# М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ЯКУНЛОВЧИ НУТҚИ

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

Съезддаги мунозарани баҳолар эканман, биз озиқ-овқат таъминотини нормаллаштириш соҳасида фавқулодда ва узоқ муддатли чора-тадбирларни таклиф қилганимизда ҳаммамиз бунинг, тўғрисини айтганда бутун жамият, ҳокимиятнинг барча тузилмалари, ёпирилиб ҳал қилиши лозим бўлган масала эканлигини тушунамиз. Жумҳуриятлар ўртасидаги озиқ-овқат таъминоти масалалари юзасидан бу йилги битим ҳамманинг куч-ғайратларини бирлаштириши ва вазиятни яхшилик сари тезроқ ўзгартиришни таъминлаши лозим. Бу соҳада кўп иш қилиниши ва айниқса озиқ-овқатни асрашда, тақсимлашда ва уни сотишда тартиб ўрнатиш керак.

Баъзи жумҳуриятлар раҳбарларининг нутқларида маслаҳатлашувлар ва битимни тайёрлаш даврида марказ маҳсулот етказиб беришнинг қандайдир номақбул, оширилган ҳажмларини мажбуран қабул қилдирмоқчи, деган фикр эшитилиб қолди. Ўйлайманки, биз йиғилиб, жумҳуриятлар ўзаро маҳсулот етказиб бериш ҳақида қандай келишган бўлсалар, шундай ёзиб қўямиз. Бир битимга келсалар бас, мен боғловчи восита сифатида қатнашаман. Ҳозир нималар бўляпти ўзи? «Менинг жумҳуриятимга» фойдали бўлган ҳамма нарса қабул қилиняпти, кўпроқ нарса юбориш истаги билдириляпти, жумҳуриятдан жумҳуриятлараро асосда мол етказиб бериш ҳақида гап очилганида, иш бошқача тус оляпти. Ахир, бизнинг иқтисодиётимиз шу қадар кучли ихтисослаштирилганки, бир жойдаги ерларнинг 80—90 фоизида пахта етиштирилса, бошқа жойдаги ерларнинг кўпчилиги дон ва чорвачилик билан машғул. Демак улар ўзаро мол айирбошлашлари керак. Шундай қилмасдан яшаб бўладими ахир! Ёқадими, ёқмайдими ҳақиқий аҳвол мана шундай. Ҳозир биз бу аҳволдан ҳеч қутила олмаймиз. Сиёсатда ҳам, айниқса амалий қарорларда ҳам бундан бошқача йўл тутиб бўлмайди, иложини топмоқ керак.

Битимлар иш асосида шакллантирилади, деб ҳисоблаб, шу гаплар билан чекланмоқчиман. Мазкур масалани бу ерга кўчириш, съездда муҳокама мавзуига айлантиришнинг зарурати йўқ. Аммо биз битимга эришилдими, келишиб олиндими ёки йўқми эканлиги ҳақида ахборот беришимиз керак. Бу ахборот депутатларга аввало ўз жойларига борганларида одамларга, мана биз съезднинг назорати остида мана бундай битим тузилишига муваффақ бўлдик, деб айтиш учун керак.

Кеча биз деҳқончилик соҳасининг вакиллари билан учрашдик, улар ўз масъулиятини англаб турибдилар. Мен съезд декларация қабул қилсин, унда 1991 йил ер муносабатларида, деҳқонларнинг турмушида туб ўзгаришлар йили деб белгилансин, деган таклифни айтдим. Эътироз бўлмади. Шу сабабли таҳрир комиссияси мана шу декларациянинг лойиҳасини тақдим этсин, деб таклиф қиламан.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида фойдаланилмай ётган экинзорларни ҳисоб-китоб қилишга, Советлар ихтиёрида деҳқон хўжаликларига ва ерда ишлашни ҳоҳлаган ҳаммага бериш учун ер фондини вужудга келтириш хусусида шуни айтиш кераккки, жумҳуриятлар билан келишиш учун юборилган ҳужжатлар орасида Президентнинг полизчилик ва боғдорчилик билан шуғулланишни ҳоҳловчи фуқароларнинг илтимосларини қондириш тўғрисидаги фармони ҳам бор. Бу тадбир Советларимиз учун имконият очиб беради ва агар бунга эътирозлар бўлмаса, съезд ўз нуқтаи-назарини айтиши керак, деб ўйлайман. Гарчи бу — жумҳурият ва маҳаллий ҳокимият идораларининг иши бўлса ҳам, бу ерда шу фикрни қайд этиб қўйиш муҳимдир. Вазирлар маҳкамаси ва жумҳуриятларнинг ҳукуматлари шу иш билан бевосита шуғулланишлари лозим.

Ерга хусусий мулкчилик масаласига оид референдум ҳақида. Бир қанча жумҳуриятларда бу хусусда қонунлар қабул қилинган, улар ҳар жиҳатдан ҳам бир-бирига тўғри келавермайди. Россияда — бир хил, Белоруссияда бошқа хил. Болтиқбўйида эса ҳатто ерларни буржуа мулкдорларига қайтариб бериш ҳақида гап боряпти. Аммо буларнинг ҳаммаси — ҳокимият идораларининг қарорларидир. Мен баҳорги дала ишларини эътиборга олиб, референдумни пайсалга солмай ўтказишни таклиф қилдим. Бу ишни барча жумҳуриятларда февралгача тугаллаш лозим, Съезд эса бу хусусдаги ўз фикрини айтиши керак, деб ўйлайман.

Ижроия ҳокимиятининг вазифалари ҳақида. Бу масала юзасидан энг кўп танқидий мулоҳаза, аччиқ бўлса ҳам, аммо ҳаққоний таъналар айтилди, деса бўлади. Хуллас, мунозара ҳокимият тўғрисидаги масала ҳозир бош масала эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдирди. Шу масалани ҳал қилмай туриб, биз таг-заминли ислоҳотларнинг шу босқичида иқтисодиётдаги, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги, жамоат тартибини, қонунийликни мустаҳкамлашдаги бошқа кўпгина муаммоларни ҳал эта олмаймиз.

Ижроия ҳокимиятининг фақат юқори табақасини ислоҳ қилиш, такомиллаштириш йўли билан бу ҳокимиятнинг самарали ишлашига эришиб бўлмаслиги ҳақида маърузада айтилган фикр мунозарада янада ривожлантирилди. Дарҳақиқат, ижроия ҳокимияти бир система бўлиб, унинг ўз қонунлари, ўзига хос ташкилий ва фаолият қоидалари бор. Шу сабабли мен Президент ҳокимияти мамлакатдаги бутун ижроия ҳокимияти системасига таянган тақдирдагина ўз вазифасини бажара олиши ҳақида бу ерда айтилган фикрга тўла-тўкис қўшиламан. Бу ўринда гап Иттифоқ ҳақида бораётганлиги хусусида тўла равшанлик бўлмоғи лозим. Албатта, янгиланган, мустақил давлатларнинг Иттифоқига айлантирилган, ҳуқуқ доираси янгича фарқлаб қўйилган Иттифоқ ҳақида, ҳар ҳолда яхлит давлат ҳақида гап боряпти. Бундай шароитда ижроия ҳокимиятининг ягона системаси бўлиши лозим. Умумиттифоқ бозори парча-парча қилиб ташланадиган бўлса, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бўлмайди, аммо ижроия ҳокимият занжиридаги ҳалқалар бир-биридан ажратиб юборилган, унинг барча ҳалқалари бир-бири билан узвий равишда боғланмаган тақдирда ҳам ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бўлмайди.

Бу нарса ҳаммамизга равшан бўлиши керак ва мамлакатдаги ижроия ҳокимияти системасини ташкил этиш пайтида шунга асосланмоғимиз керак. Иттифоқнинг ва жумҳуриятларнинг мустақиллиги қоидасини амалга ошириш асосида иттифоқни Федератив давлат тарзида сақлаб қолишга умуман қарши бўлган кишиларгина бунга қарши бўладилар, деб ҳисоблайман. Буни мен мунозара чоғида пайқаб олган эдим. Мана шундай диалектик боғланиш бўлиши керак.

Миллатлараро муносабатлар муаммоси ҳақида. Мазкур масалалар бу ерда, съездда жуда ўткир қилиб қўйилди — умумий тарзда ва айрим жумҳуриятлардаги, энг қайноқ можароли жойлардаги аҳвол ҳақида гапирилди. Съездга ва Президентга юборилган хатлар ва мурожаатномалар, бўлиб ўтган ва режалаштирилаётган суҳбатлар ҳам аксарият ҳолларда айни шу мавзу билан боғланган.

Барча масалалар хусусидаги фикрлар бир жойдан чиқяпти, деб айта олмайман. албатта, аммо асосий масалада умумий ёндашув аниқ кўриниб турибди. Одамларимизнинг кўпчилиги Иттифоқни сақлаб қолиш ва айни вақтда уни янгилаш тарафдоридир, биз буюк мамлакат бўлиб қолишимиз, барпо этилаётган янги дунёнинг тиргакларидан бири бўлишимиз тарафдоридир. Шу билан бирга, биз инсонни, оилани, шахс ҳуқуқларини ҳимоя қила олмаганимиздан асло қаноатланмаслик туйғусини яна бир бор сездим. Мана шундай вазиятни тузатиб олиш керак, бу вазият учун марказ ҳам, у билан бирга турли даражада жумҳурият, маҳаллий идоралар ҳам масъулдирлар. Биз ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат қилсак, муштарак манфаатларга асосланиб, бир ёқадан бош чиқариб куч-ғайрат сарфласаккина бу вазиятни тузатиб олиш мумкин. Биринчидан, инсон ҳуқуқлари ҳамма нарсадан юқори туриши керак, иккинчидан ҳар қандай баҳсли масалани бошқа халқнинг ҳисобига ҳал этиб бўлмайди.

Айни шундай масалаларни ҳал этиш жуда ва жуда қийинлигини айтиб ўтишим керак. Гапимга ишонинглар.

Литва, Латвия, Эстониядаги воқеаларнинг бориши бизни ғоят ташвишга солмоқда. Шу жумҳуриятларда неча ўн йиллар яшаб, уларнинг иқтисодиётини ва маданиятини ривожлантиришга шак-шубҳасиз ҳисса қўшган одамларнинг анчагина қисми энди жумҳурият фуқаролигидан маҳрум этилаётган бўлса, бунга нима деб бўлади. Бу ҳеч қандай конституцияларга ва қонунларга, шу жумладан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларга тўғри келмайди.

Биз бу масалаларга равшанлик киритишимиз керак. Болтиқбўйи жумҳуриятлари қарийб ярим асрдан буён ССЖИ таркибида турибшибди. Бу ҳол, шубҳасиз, улар билан бошқа жумҳуриятлар, умуман Иттифоқ ўртасида ўзаро мажбуриятларнинг — иқтисодий ва сиёсий мажбуриятларнинг, фуқаролик масалалари билан, одамларнинг турмуши билан ва баъзи ҳолларда ҳудудий муаммолар билан боғланган мажбуриятлар мажмуини келтириб чиқаради. Ҳатто халқнинг ҳоҳиш-иродасини аниқлашга интилиб ҳам кўрмай, вужудга келган алоқаларнинг бутун мажмуини ана шундай, йўл-йўлакай, бир варақайига узиб ташлаш тўғрилигига бизни ҳеч ким ва ҳеч қачон ишонтира олмайди. Шу боисдан ҳам мен референдум ўтказишни таклиф қилдим, шу референдум давомида ҳар бир фуқаро бу масалага ўз муносабатини билдиради.

Съездда ўртоқ Мошняга сўзга чиқди. Мен у билан ва молдовалик бошқа халқ депутатлари билан учрашганман. Бугун мажлисдан кейин шу жумҳуриятдан келган депутатлар билан учрашишни назарда тутяпман. Бу ерда ҳам ҳаддан ташқари қалтис вазият вужудга келганини ҳаммамиз биламиз. Бинобарин, кишиневлик, днестрбўйилик ўртоқларнинг, гагауз халқи вакилларининг далилларини тинглаганда бир адолатсизлик иккинчисини, унисини яна бошқасини келтириб чиқаради, деган фикр беихтиёр хаёлга келади. Воқеаларнинг шу занжири муқаррар равишда вазиятни баттар кескинлаштиришга, душманликни кучайтиришга, каттароқ кулфатга олиб боради. Шу боисдан ҳам биз аввал бошданоқ жумҳурият вакилларининг диққат-эътиборини пухта ўйланмай қабул этилган, фуқароларнинг қандайдир бир қисми ҳуқуқларини бузган қарорлардан мардона воз кечиш зарурлигига қаратган эдик.

Барча фуқароларнинг нормал яшаши учун кафолатлар яратилса — энг муҳим сиёсий муаммоларни ҳал қилиш учун шарт-шароит ҳам бўлаверади. Бу муаммони ҳал этиш мумкинлигига ишончим комил, у ҳали одамлар ўртасидаги ғанимлик бартараф этиб бўлмайдиган даражадаги ўткирликка етиб борган эмас. Жумҳуриятда молдаванлар ҳам, руслар ҳам, украинлар ҳам, гагаузлар ҳам, греклар ҳам яшайдилар. Улар учун муштарак бўлган муаммоларни шундай ёндашувлар асосида ҳал қилиш кераккки, Молдованинг Иттифоқ таркибидаги мустақил жумҳурият сифатидаги ҳудудий яхлитлиги сақланиб қоладиган бўлсин.

Тоғли Қорабоғдаги аҳвол ҳамон кескин ва қалтис бўлиб турибди. Бундан аввалги съездлар, Олий Совет, кўпдан-кўп комитетлар ва комиссиялар шу масала билан шуғулланишди. Бу масала Президент ва ҳукуматнинг доимо диққат марказида турибди. Ҳар ҳолда, ССЖИ Олий Кенгашининг янги таркибига ўзининг дастлабки мажлисларидаёқ бу масалага қайтишни топшириш тўғри бўлар. Ўйлайманки, Федерация Кенгаши янги ваколатларни эътиборга олиб, бу масала билан шуғулланади. У ерда конституциявий тартиб-қоидалар тикланиши лозим. Бу соҳада нормал турмушни, фуқаролар тинчлигини тиклаш учун амалий шарт-шароит бор.

Жанубий Осетия мухторияти билан боғлиқ воқеалар ҳақида. ССЖИ Олий Кенгашининг Грузия раҳбариятига ва мазкур мухториятга, шу халқларга мурожаатномасини тўғри деб ҳисоблайман. Ишни қатъий талаб қўйиш воситаси билан ҳал қилиб бўлмайди. Бир-бирининг фикрини тушунишга ва бир-бирининг раъйига қарашга интилмоқ керак. Президент сифатида бу ерда фуқароларнинг ўткир можароси чиқишига йўл қўймасликни ўз вазифам деб ҳисоблайман.

Ҳозир мен миллатлараро муносабатлар билан боғлиқ бўлган бошқа барча муаммоларга тўхтала олмайман. Фақат шуни таъкидлаб ўтмоқчиман: вазият айниқса кескин тус олган, давлат хавфсизлигига ва одамларнинг ҳаётига жиддий хавф туғилган жойларда фавқулодда ҳолат жорий қилишга ёки Президент идора усулини тадбиқ этишга тўғри келади. Бундай ҳолда Президент бутун масъулиятни ўз зиммасига олишига тўғри келади, менинг бир фикрга келиш ва биргаликда ҳаракат қилиш йўлидаги интилишларим иноқликка олиб келмаган тақдирда шундай бўлади. Аччиқ тажрибани ва съездан аввал ва съезднинг ўзида Президент шанига айтилган таъналарни идрок этиб, шундай хулосага келяпман.

Иттифоқ шартномасини тузиш истиқболига келганда шуни айтиш керак: съезд бу масалага қайтади. Бироқ бу ерда кўпгина депутатлар киритилган лойиҳани қўллаб-қувватлашларини ҳам айтганликлари, уни қабул этмасликларини ҳам билдирганликлари сабабли ўз фикримни айтиб ўтмоқчиман. Назаримда, биз ҳаммамиз у ёки бу томон фойдасига ҳаддан ташқари қатъий, душвор баёнотлардан воз кечишимиз фойдали бўлади. Биз катта йўлни босиб ўтдик, мен бу гапни шу мавзуда оғзаки ва ёзма саволлар берган кишиларга гапиряпман. Биз мустақил жумҳуриятларнинг декларациялари, жумҳуриятлар вакилларининг маслаҳатлашувлари, Федерация Кенгашидаги муҳокама, ССЖИ Олий Кенгашидаги кетма-кет ўтказилган муҳокама, илмий мунозаралар орқали Иттифоқ шартномасининг ҳозирги лойиҳасига эришгунча катта йўлни босиб ўтдик. Бу мураккаб муаммо бутун жамиятда муҳокама қилинмоқда. Иттифоқ шартномасининг ҳозирги лойиҳаси — бюрократиянинг маҳсули, деб ҳисоблаш мана шу машаққатли жараёнда қатнашган барча кишиларнинг обрўсига доғ тушириш бўлур эди. Иш давом этмоқда, ҳар бир жумҳуриятдан мухтор вакилларнинг гуруҳлари тузилган.

Съезд мамлакат турмушининг мана шу туб масаласи хусусидаги ўз фикрини айтишини жамият кутиб турибди.

Сўзимни тамомлар эканман, Съезд Олий ижроия ҳокимиятининг тузилишини ўзгартириш тўғрисидаги, тартиб ўрнатиш ҳақидаги, озиқ-овқат таъминотини яхшилашга, иқтисодиётни барқарорлаштиришга оид энг зарур чора-тадбирлар тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлайди, деб ишонч билдирмоқчиман.

Кеча мен деҳқонларнинг вакиллари билан суҳбатлашдим ва қуйидагиларни айтдим. Бизнинг таклифларимиз қай тусда бўлмасин, кўпинча уларга қаршилик қилинмоқда. Иттифоқ шартномаси ва ваколатларни фарқлаб қўйиш асосида ижроия ҳокимиятини чуқур қайта қуриш кераклигини қатъий қилиб айтдик ва исботладик, бу бизнинг эътиқодимиздир. Бизни, шу ишни пайсалга соляпсизлар, қатъиятсизлик қиляпсизлар, мана шундай вақтда ҳокимиятнинг фалаж бўлиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди, деб танқид қилишган эди. Пировард натижада биз ҳаммасини чамалаб кўриб, шундай қилишга қарор бердик. Энди яна ўша нотиқлар бизни танқид қилишяпти. Бу — бетайинликдан, сиёсий найрангдан дарак беради. Бундан бошқа гап йўқ.

Биз ижроия ҳокимиятининг фалажлигини бартараф қилишимиз керак. Халқ ҳаракат қилишимизни, тартибни, барқарорликни, ислоҳотлар режаси амалга оширилишини кутмоқда. Таклиф этилган чора-тадбирларни синчиклаб кўриб чиқиш — қайта ишлаб пухталаштириш, бойитиш, эҳтимол, бирор нарсани олиб ташлаш керакдир, аммо, албатта, бир қарорга келиниши лозим. Киритилган таклифларни съезд қўллаб-қувватлайди, деб умид қиламан.

Ўртоқлар! Вазият хусусида биз бу ерда таққослаб кўрган фикрларга, ўртага ташланган ва ҳали ўрганилиб, умумлаштириладиган таклифларга асосланиб шундай дейиш мумкин: ишнинг якунида биз инқирозга қарши дастурни, ҳозирги пайт талабларига мос келадиган реалистик ҳаракат дастурини қабул этишга эришамиз. Бинобарин мен баъзи нотиқларнинг тош отишларига қўшилмайман, ҳолбуки бундайлар орасида раҳбар ўртоқлар ҳам бўлди. Кечагина улар бир анжуманда муайян мавқени қабул этган, уни ёқлаб овоз берган, тўлдирган, ўзгартирган бўлсалар, бугун улар бундан воз кечмоқдалар. Бу босқичда бир мавқеда турмаслик, бир-бирини турткилаш ҳеч қандай наф бермайди.

Биз ўзимиз танлаб олган йўлда ҳаракат қилаверишимиз керак. Бу — тўғри йўл. Бу—социалистик истиқбол доирасидаги йўл бўлиб, мулкчилик муносабатларини чуқур ислоҳ қилиш орқали одамларни қудратли рағбатлантириш омилларига эриштиради, турмушнинг янги шаклларига, янги корхоналарга, бозор муносабатларига олиб боради.

Жуда катта иш қилиниши лозим. Хўш, буёғи нима бўлади. Ҳамма босқичлардан ўтиб ҳал қилувчи маррага етиб борганимизда яна мавқени ўзгартира бошлаймизми?

Йўқ! Бутун кучни бир ерга тўплаб, масъулиятни зиммага олиш ва олға бориш керак. Эҳтимол, биз бирон нарсанинг уддасидан чиқа олмасмиз, эҳтимол бирон масалада янглишармиз, аммо асосий масалада биз энг ҳал қилувчи довонга яқинлашиб келдик, ундан ошиб ўтсак, бутун жамиятимизни социалистик негизда янгилаш йўлига чиқиб оламиз.

Бўлиб ўтган фикрлашувлар мени шунга ишонтирмоқдаки, биз инқироз вазиятидан қутулишнинг амалий режасини ишлаб чиқиб, амалга оширишга қодирмиз. Шу билан бирга, сусткашлик қилиш учун вақтимиз йўқлиги ҳам равшан. Ҳамма вақт ўтиб бўлди. Биз ҳаракат қилишимиз ва бир кунни ҳам бой бермай, фаолиятимизнинг тусини ва бутун системасини қатъиян ўзгартириб, ҳозироқ ҳаракат қилишимиз лозим. Демак, янги тузилмаларгина эмас, вазифалар юкини ўз гарданига оладиган ва мамлакат олдида пайдо бўлган вазифаларни — Президент ҳокимияти даражасида ҳам, жумҳуриятларда ҳам, жойларда ҳам, меҳнат жамоаларида ҳам, умуман жамиятда ҳам ҳал этишга чинакамига киришадиган янги одамлар ҳам керак.

# ИТТИФОҚ ИТТИФОҚҚА МУҲТОЖ

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

аҳвол ССЖИ Президенти айни вақтда КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби бўлганлиги сабабли кучайиб бормоқда. Мамлакат раҳбари кўраётган тадбирларни умуман ижобий баҳолаган социал-демократ айни вақтда Президент уларни рўёбга чиқаришда КПССнинг эски қолоқ аппаратига суянаётганидан шикоят қилди.

Нотиқ ССЖИ Вазирлар Кенгашининг Раиси истеъфога чиқиши зарурлигини айтиб, янги ҳукумат тузиш омилларини ишлаб чиқиш даврида ижроия ҳокимият вазифасини бажариш учун бутун масъулиятни Президент ўз зиммасига олиши кераклигини таклиф қилди. Шу билан бирга социал-демократлар раҳбариятининг аъзоси Президентни КПСС Марказий Комитети Бош котиби лавозимидан албатта бўшатиш ва ҳатто унинг компартияга аъзолигини тўхтатиш шартини ўртага қўйди.

ССЖИ Олий Кенгаши ошкоралик, фуқаролар ҳуқуқлари, шикоят ва аризалари масалалари комитетининг аъзоси **Г. Ф. Леженко** қайта қуриш учун сарфланган олти йил ичида силжишга эришилмаганини айтди. Мамлакат очлик ва парокандалик даражасига тушиб қолди. Нотиқ социалистик тузумни ўзгартиришга интилишни, ҳокимият учун, нопок йўллар билан топилган бойликни сақлаб қолиш учун курашни бунинг сабаблари сифатида тилга олди. Шуни таъкидлар экан, у депутатларни сайловчилар олдидаги масъулиятни йўқотаётганликда, ҳис-туйғулар асирига айланиб қолаётганликда айблади.

Депутат 7 ноябрь куни Москвада турли шиорлар остида бўлиб ўтган икки намойишдан олган таассуротлари тўғрисида гапириб, уларни телевидение орқали томоша қилганида, бутун халқ қўллаб-қувватлаган намойишни тасаннолар айтиб, иштирокчилари ҳақоратли сўзлар битилган ёзувларни кўтариб чиққан намойишни эса ғазабланиб кузатганини тан олди. Кончи ҳар икки намойишда иштирок этган Б. Н. Ельцинга таъна қилди. Ҳақиқат икки хил бўлмайди, чин ҳақиқат ягонадир, деб таъкидлади у, халққа айни шу ҳақиқат керак.

Шундан кейин нотиқ КПССнинг бадном этилишига қарши гапирди. Депутат Н. И. Травкинга мурожаат қилиб, унинг илгари қайси партияга мансуб бўлганини, ўша вақтларда олган унвонларию, мукофотларини эслатиб, халққа қарши курашманг, менинг партия, билетимга тупурманг, деди.

Президент мамлакатни тангликдан олиб чиқиш учун таклиф қилган тадбирларни танқид қилиш мумкин ва танқид қиладиган жиҳатлари ҳам бор. Лекин ҳозир гап бунда эмас, деб таъкидлади Миллатлар Кенгашининг халқ истеъмоли моллари, савдо-сотиқ, аҳолига коммунал-маиший ва бошқа хизматлар кўрсатиш доимий комиссиясининг раиси **Г. Н. Киселев**. Буларни инкор этиб бўлмайди, деб ҳисобламоқда у, чунки бу тадбирлар ССЖИ Олий Кенгаши тасдиқлаган барқарорлаштириш ва бозорга ўтишнинг асосий йўналишларининг табиий давоми, конкретлаштирилган кўринишидир.

Парламент комиссиясининг раиси Президент Дастурида аҳолини саноат моллари билан таъминлаш масалалари етарлича акс эттирилмаганлигига эътиборни қаратди. Дори-дармонлар, маданий-маиший ва хўжалик моллари билан таъминлаш ишининг аҳволи ҳам бундан яхши эмас. Чунончи, жумҳуриятларнинг барчасида вазият тахминан бир хил. Комиссия номидан съезднинг муҳокама этилаётган масалага доир қарорига саноат моллари ишлаб чиқариш соҳасини янгилаш юзасидан аниқ тадбирлар киритиш таклиф қилинди.

Болтиқбўйи жумҳуриятларидаги аҳвол принципиал аҳамиятга эга: бу қайта қуришнинг ўзига хос лабораториясидир, деди Латвия Компартияси Марказий Комитетининг котиби **А. П. Клауцен**. Ҳозир Латвияда ижтимоий тузум ўзгармоқда, буржуа давлати шаклланмоқда. Бу — тарих ғилдирагини тескари айлантиришга уринишдир. Ер, корхоналар, бошқа мулклар ўзларининг илгариги эгаларига, шу жумладан чет элда яшаётган эгаларига қайтариб берилмоқда. Мафкура соҳасида ҳозирнинг ўзидаёқ фашистсимон унсурлар пайдо бўлмоқда. Буларнинг барчаси қайта қуриш эмас, балки илгари мағлубиятга учраган сиёсий кучларнинг қасосидир.

Шундан сўнг раислик қилувчи муҳокама этилаётган масала юзасидан мунозараларни тўхтатиш тўғрисида таклиф киритди. Овоз бериш йўли билан яна бир нотиққа сўз беришга, кейин мунозараларни тўхтатишга қарор қилинди.

Шундан кейин минбарга эллигинчи нотиқ — ССЖИ Олий Кенгаши фан ва халқ таълими, маданият ва тарбия комитетининг аъзоси **В. С. Больбасов** чиқди. Унинг фикрича, қонун чиқаришда иқтисодий қонунларга устунлик бериш зарур. Саноат мулкчилиги хусусидаги қонунлар, шубҳасиз ана шундай қонунлар каторига киритилиши лозим. Биз эса шулардан энг муҳими— патент тўғрисидаги ёки ССЖИда ихтирочилик тўғрисидаги қонунни қабул қилишни деярли икки йилдан буён турли баҳоналар билан орқага сураяпмиз. Нотиқ иқтисодий ислоҳотнинг муваффақияти илмий имкониятларнинг аҳволига боғлиқлигини исботлаш учун бир неча бор тарихга мурожаат қилди, чет эл тажрибасидан мисоллар келтирди.

Нотиқ илму зиё ва саноат мулкини муҳофаза этишнинг мустақил тузилмаси — патент идорасини ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. Унинг фикрича, бу идора Японияддаги каби бевосита ҳукуматга ёки АҚШдаги сингари фақат парламентга бўйсуниши лозим.

Кечки мажлисда ССЖИ Президенти **М. С. Горбачев**га сўз берилди.

(Унинг нутқи рўзноманинг 1- ва 2-бетларида босилмоқда).

Шундан сўнг мамлакатдаги аҳвол ҳамда вужудга келган танг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни бартараф этиш тадбирлари тўғрисидаги масала юзасидан қарор лойиҳаси устида таҳрир комиссияси олиб бораётган иш ҳақида шу комиссия раиси **Н. А. Назарбоев** ахборот берди. У 52 нафар халқ депутатидан иборат комиссия Съезд минбаридан туриб айтилган фикрларнинг бир-бирига зид эканлиги билан боғлиқ мураккаб вазифага дуч келганини маълум қилди. Шунга қарамай, комиссия қарор лойиҳасини съезд дастлабки тарзда кўриб чиқиши учун жума куни таклиф этиш мақсадида ҳозирнинг ўзида унга тушган таклифларни ҳисобга олишга ҳаракат қилади.

Депутатлар ССЖИ Олий Кенгаши Миллатлар Кенгашининг Раиси **Р. Н. Нишонов**нинг «Янги Иттифоқ шартномасининг умумий концепцияси ва уни тузиш тартиби ҳақида»ги маърузасини тингладилар.

Депутатлар мажлиснинг сўнгги қисмини, одатдагидек, турли масалалар юзасидан фикр алмашишга бағишладилар. Хусусан, **Л. Я. Супрунов** умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти муаммолари тўғрисида гапирди. Ҳозирги вазиятда ҳовлиқмасликка, ўйлаб кўришга ва барча муаммоларни биргалашиб ҳал қилишга даъват этган **М. И. Умархўжаев**, асрлар давомида бунёд этилган нарсаларни бузишга йўл қўймаймиз, деб таъкидлади. **В. Д. Сидоренко** маданиятни ривожлантириш зарурлигига эътиборни қаратди. **В. А. Шаповаленко** Президентга фавқулодда ваколатлар берилиши ва бир қанча минтақаларда президентлик бошқаруви жорий этилишини ёқлаётган депутатлар билан баҳслашди. Депутатнинг фикрича, бу масалани халқ референдуми ёрдамида ҳал этиш лозим. Депутатлар **В. Н. Очиров, В. М. Семенов, И. И. Заславский, Ю. И. Воронежцев, Н. А. Поликарпов, П. В. Шетько, М. Ю. Дарсигов, В. И. Прокушев** сўзга чиқдилар.

20 декабрь куни съездда янги Иттифоқ шартномасининг умумий концепцияси ва уни тузиш тартиби тўғрисидаги маъруза юзасидан мунозара бошлашга қарор қилинди.

**(ТАСС мухбири).**

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ

# депутат Р. М. ХУДОЙБЕРГАНОВА нутқи

*(Урганч шаҳри, Хива миллий-ҳудудий сайлов округи, Ўзбекистон ССЖ)*

Ҳурматли ҳайъат аъзолари, ҳурматли депутатлар! Халқ депутатларининг биринчи съездида яқин йиллар хусусида турли тахминлар айтилганди, лекин бирортамиз ҳам ҳозирги кунда жамиятимиз чуқур ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тангликка тушиб қолишини хаёлимизга келтирмагандик. Тангликни келтириб чиқарган сабаблар М. С. Горбачевнинг маърузасида ҳам, депутатларнинг нутқларида ҳам айтилди, мен шу хусусдаги ўз мулоҳазаларимни баён этмоқчи эдим. Маъмурий-буйруқбозлик системасини жамики айбларда гуноҳкор қилиб, биз уни бутунлай бузиб ташладик, янги системани қуришга эса шошма-шошарлик билан ишланган ва тез-тез ўзгариб турадиган лойиҳа асосида киришдик. Натижада қанчалик куч-ғайрат сарфламайлик, ишларимиз ҳалигача жойидан силжигани йўқ. Бизнинг ҳамма кулфатларимиз, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятнинг таназзули, вазирликлар, минтақалар ва жумҳуриятлар даражасида иқтисодий алоқаларнинг узилиши, жамоат ишлаб чиқаришининг кескин пасайиши — ҳаммаси ана шундандир.

Бу эса ўз навбатида аҳолининг турмуш даражаси пасайишига, кўпгина минтақаларда аҳвол беқарорлашишига, миллатлараро муносабатларнинг кескинлашишига, жиноятчиликнинг кўпайишига олиб келди, одамларда тангликдан чиқишда, мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий вазиятни соғломлаштиришда раҳбариятнинг лаёқатига нисбатан ишончсизлик келтириб чиқарди.

Ҳозир ҳар биримизда қонуний равишда бир савол туғилмоқда: жарликка қулашни тўхтатиш, мамлакатни тартибсизликлардан қутқариб қолиш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш имконияти борми? Ўйлайманки, бундай имконият бор. Шахсан мен Президентнинг маърузасида баён этилган дастурни эшитганимда бунга ишондим. Мен кеча баъзи шерикларимнинг фикрини эшитдим, улар ўртоқ Горбачевнинг маърузасида амалий ғоялар йўқ, дейишмоқда. Бироқ, ҳурматли депутатлар, маърузани янада диққат билан бир ўқиб чиқинг! Унда ғоялар ҳам, ана шу ғояларнинг қандай тузилиши ҳам бор, энг муҳими, собитқадамлик ва қатъият сезилмоқда. Биз ҳаммамиз Президентимизни айни шунга даъват этган эдик.

Менинг назаримда, таклиф этилган тадбирлар Иттифоқ иқтисодий ва бошқа анъанавий алоқалари бузилишининг олдини олишга, тенг ҳуқуқли мустақил жумҳуриятлар Федерациясини тузишга, қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботини мустаҳкамлашга имкон беради. Мен бунга ишонаман, шунинг учун ҳам ҳаммамиз Президент дастурини қўллаб-қувватлашимиз лозим, съездни ССЖИ Олий Кенгаши таклиф этган муаммоларни кўриб чиқишдан чалғитишга имкон бермаслик, депутатларнинг диққат-эътиборини бошқа — унча долзарб бўлмаган масалаларга чалғитиш керак эмас, деб ҳисоблайман.

Ҳозир энг муҳими —нафсониятни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, куч-ғайратларни бирлаштириш, уларни биринчи галдаги вазифаларни ҳал этишга йўналтириш зарур. Бу энг муҳимидир. Жумҳуриятимизда, мени бу ерга вакил қилиб юборган Хоразмда бугунги кунда худди шундай қилишга интиляпмиз. Эҳтимол, қаерлардадир бу сиёсат унчалик кенг тарқалмагандир, лекин у бизга ўз натижаларини бермоқда. Бизда ишлаб чиқаришнинг ўсиши сақланиб қолмоқда, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш жадаллаштирилмоқда, уй-жой қурилиши ҳажмлари кўпаймоқда, айни вақтда кишиларимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тегишли даражада ҳам таъминлашга ҳаракат қиляпмиз.

Биз шундай қилишимиз керак деб ўйлайман: тангликни бартараф этишга доир тадбирларни маъқуллаш ва жойларда — ўзимизда бу тадбирларнинг ҳар бир банди амалга оширилишини назорат остига олишимиз, дастурни инкор қилаётган кишиларнинг барчасидан қатъий равишда бунинг сабабларини сўрашимиз керак. Бу биринчи масала.

Иккинчи: жамиятни жипслаштиришга, халқларни яраштиришга киришиш лозим. Дарҳақиқат, биз ким бўлмайлик, демократлармиёки конструктивчиларми, коммунистлар ёки халқчиларми, ҳарбийлар ёки ҳарбий бўлмаган кишиларми — ҳаммамиз бир мамлакатнинг фуқароларимиз. Шахсий нафсониятларни, партиявий ёки яна бошқа қандайдир ниятларни кўзлаб мамлакатимизни қийнашга барҳам берайлик. Келинг, сафсатабозликни тўхтатайлик ва ўз кучимизни ишнинг ташкилий томонларига сарфлайлик. Депутатларнинг кўпчилиги, жумладан съездимизда сўзга чиққан радикал қанот деб аталмиш ҳаракат вакиллари ҳам бунинг зарурлигини тушунмоқдалар. Улар ҳам бирлашишга, жипслашишга чақирмоқдалар. Бундай яқинлашишнинг ўзига хос рамзий маъноси бор.

Энди Президент маърузасининг муайян саволлар туғдирадиган жиҳатларига тўхталмоқчиман. Биринчидан: унда нима сабабдан аввалги съездларнинг қарорлари қандай бажарилганлиги таҳлил қилинмаган? Иккинчидан: биз ўз ишида хатоларга йўл қўйган мансабдор шахсларнинг аниқ-равшан исми-шарифларини нима сабабдан сира эшитмаяпмиз? Учинчидан: нима учун М. С. Горбачев экологик аҳволни барқарорлаштириш учун мамлакат раҳбарияти қандай тадбирлар кўраётгани ҳақида амалда ҳеч нарса демади? Бу Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон, Туркманистоннинг Тошховуз вилояти, Қозоғистоннинг Қизил Ўрда вилояти аҳолисини айниқса ташвишлантирмоқда. Ана шу ерларда салкам 4 миллионга яқин киши яшайди.

Балки сиз «Орол» сўзини такрорлайверганимиздан чарчаган ҳам бўлсангиз керак. Лекин «Орол» бизга ўлаётган кишининг нидосидек янграйди. Ҳа, Орол ўлмоқда, аммо амалда уни қутқариш учун, бизни қутқариш учун ҳеч нарса қилинмаяпти. Қабул қилинган ўнлаб қарорларни марказ назорат қилмаяпти. Матбуотда ҳам, давлат идораларида ҳам фақат шовқин-сурон, амалда эса ҳеч нарса йўқ. Биз ССЖИ Олий Кенгашига катта умид қилгандик. Лекин Орол тўғрисидаги масалага ҳали ҳам навбат келгани йўқ. Бу бизнинг обрўйимизга путур етказади.

Иттифоқ шартномаси тўғрисида бир неча сўз айтмасдан ўта олмайман. Биз янгиланган Иттифоқ тарафдоримиз. Лекин, ҳозир қандайдир расмий, юзаки ҳужжатлар вақти ўтган, деб ҳисоблаймиз, янги Иттифоқ сари тадрижий йўл билан, босқичма-босқич бориш керак бўлади, токи бунинг зарурлигини ҳамма ҳис қилсин. Ҳозир эса ССЖИнинг мавжуд Конституцияси доирасида ишларни, иқтисодиётни ўнглаб олишимиз керак. Оёққа туриб, М. С. Горбачев айтганидек, жиноятчилик «кишанларини» елкамиздан улоқтириб, уларни жиноятчиларнинг бўйнига ташлашимиз керак, шундан кейин ҳуқуқий жиҳатдан ўзлигимизни янгидан англаб оламиз. Ҳозирча эса янги Иттифоқ шартномаси концепциясини узил-кесил ишлаб чиқиш зарур, чунки у менинг назаримда, қиёмига етмаган, унда давлатнинг унитар қурилишини сақлаб қолиш назарда тутилади. Биз Ўзбекистондаги барча кишилар буни рад этамиз.

Ҳаммамиз демократия бу — энг аввало тартиб эканини ҳис қилишимиз лозимлигини яна бир марта такрорламоқчиман. Халқ съездга катта умид боғламоқда. Мен сизларни таназзулга учраган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволни бартараф этишга имкон берадиган қарорларни ишлаб чиқишга тўла масъулият билан ёндошишга чақираман. Бу ҳар биримизнинг бурчимиздир.

